O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 май жума

Сотувда эркин нархда
№ 86 (2383)

# ХАВФСИЗЛИК – ҲАМКОРЛИК АСОСИ



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1-3 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди

Ҳиндистон ҳақида гапирганда, тасаввуримизда, аввало, бу ўлканинг қадим тарихи, бетакрор маданияти, гўзал табиати намоён бўлади. Бу мамлакат тарихи Бобур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқлиги биз учун янада аҳамиятлидир. Зеро, буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар бу ерда қудратли, марказлашган давлат барпо этиб, Ҳиндистон тараққиётига улкан ҳисса қўшган.

Айни пайтда бугунги Ҳиндистон ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг аҳоли ва майдон жиҳатидан дунёда энг юқори ўринларда туриши ҳам ёдга тушади. Чунки бундай кўрсаткичлар мамлакатнинг мавқеини, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини белгилашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги Ҳиндистон – кучли ҳарбий салоҳиятга, ривожланган энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик ва савдо тизимига эга мамлакат. Шу боис икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи ана шу алоқаларни янги босқичга кўтаришга қаратилди.

Қайд этиш жоизки, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти сифатида хорижга буюрган биринчи ташрифи ҳам Ҳиндистонга бўлган эди.

Ислом Каримов бу галги ташрифи давомида Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан, вице-президент Кришан Кант, Бош вазир Атал Биҳари Важпаи, ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳ, ички ишлар вазири Лал Кришна Адвани ва кўплаб ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди. Улар орасида Бош вазир Атал Биҳари Важпаи билан бўлган яккама-якка суҳбат ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон делегацияларининг музокаралари асосий ўрин тутади. Деҳлидаги "Ҳайдаробод" саройида ўтказилган музокарларда минтақавий хавфсизлик, терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш, молия, қишлоқ хўжалиги, таълим, божхона, савдо, маданий алоқалар, ахборот алмашув ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Музокараларнинг бош мавзуи минтақавий хавфсизлик масаласи бўлгани бежиз эмас. Негаки, бугунги кунда халқаро терроризм ва экстремизм нафақат Марказий Осиё, балки бошқа минтақалар мамлакатларидаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётир. Бундай хавф ва таҳдидга қарши ҳамкорликда курашиш Ҳиндистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам долзарб ҳисобланади. Наркобизнес ва террорчилик марказига айланган Афғонистон билан чегарадошлик Ўзбекистон учун катта муаммо бўлса, ҳеч бир халқаро талабларга риоя этмайдиган, дунёга инсон ҳуқуқларини поймол этиши билан танилган "Толибон" ҳаракати ва уни зимдан қўлловчилар Ҳиндистон учун ҳам жиддий бош оғриғи бўлиб турибди.

Музокараларда икки давлат халқаро террорчилик ва диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши эканлиги алоҳида таъкидланди. Бундай хавфга қарши халқаро майдондаги хатти-ҳаракатларни, турли ташкилотлар даражасидаги ташаббусларни ўзаро мувофиқлаштириб бормоқ ва ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқ зарур. Бу фикр ташриф давомида имзоланган ҳужжатларда ўз аксини топди.

Шубҳасиз, улар орасида Ислом Каримов ва Атал Биҳари Важпаи томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма декларация" муҳим ўрин тутади. Ҳужжат икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган. Жумладан, у савдо, кичик ва ўрта бизнес даражасидаги алоқалар, қўшма корхоналар тузилиши ва фаолият юритиши, транспорт коммуникацияси, фундаментал ва илмий тадқиқотлар, илғор технологияларни жорий этиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Декларациянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этилиши миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизлик талабларига жавоб бериши, Ҳиндистон мазкур минтақанинг бундай мақомини ҳурмат қилиши ва эътироф этиши алоҳида таъкидланган. Бугунги кунда Ҳиндистон ядро қуролига ва катта ҳарбий салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, бундай эътирофнинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Хавфсизликни таъминлаш йўлида икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркобизнесга қарши кураш, бундай жиноятларнинг олдини олиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олгани ҳам эътиборлидир. Бу масала нафақат декларация, балки Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги жиноий ишларда ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда экстрадиция (жиноятчиларни топшириш) тўғрисидаги шартномаларда ўз аксини топди.

Божхона қонунчилиги бузилиши ҳолларининг олдини олишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг омили эканлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида божхона идораларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ва Ҳиндистон молия вазирлиги даромадлар департаментининг акцизлар ва божхона масалалари маъмурияти томонидан амалга ошириладиган мазкур битим икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантиришга самарали хизмат қилиши аниқ.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги ахборот алмашув ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги билан Ҳиндистон ҳукумати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎзА) билан Ҳиндистоннинг "Пресс Траст оф Индиа" ахборот маҳкамаси ўртасидаги ўзаро касбий ҳамкорлик ҳақидаги битим мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қадим тарихга эга ижтимоий ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришга, радио ва телевидение, газета ва журналлар ўртасида бевосита ахборот ва тажриба алмашувини йўлга қўйишга қаратилган.

Мамлакатларимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги катта ўрин тутишини ҳисобга олсак, ҳукуматларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги ва таълим соҳаларида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумнинг имзоланганини бу соҳадаги алоқаларнинг янада кенгайишида муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Бундай ҳамкорлик асосан таълим, тажриба ва мутахассислар алмашиш, маслаҳатлашув, илмий адабиётлар ва услубий қўлланмалар тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган кредит битими эса Ҳиндистоннинг Ўзбекистонга навбатдаги кредит маблағларини ажратишини кўзда тутади.

Ўзбекистон-Ҳиндистон иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга булган учрашув Деҳлидаги "Таж Палас" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Ҳиндистон саноат конфедерацияси ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандумга қўл қўйилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов конфедерация вакиллари билан учрашув чоғида мазкур ташкилот иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ҳиндистон саноат конфедерацияси 1994 йилдан буён мамлакатимиз муассасалари билан яқин алоқада. Ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси икки давлат тадбиркорлари учун фойдали кўргазмалар, учрашув ва музокаралар ташкил этишга, ҳинд ишбилармонларини Ўзбекистон бозори билан таништиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Президент Ислом Каримов конфедерация аъзолари бўлган йирик ҳинд саноатчилари билан бўлган учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлади.

– Бу галги ташриф ўта самарали ўтди, – деди жумладан Ислом Каримов. – Ҳиндистон раҳбарияти билан барча соҳаларда ва айниқса хавфсизлик масалаларида қарашларимиз муштарак эканига амин бўлдик. Хавфсизлик эса ҳамкорликнинг, жумладан, иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим шартидир.

Юртбошимиз мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасининг бугунги ҳажми икки томонни ҳам қониқтирмаслигини таъкидлаб, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун Ўзбекистонда Ҳиндистон банклари фаолиятини йўлга қўйиш, шерикликда ишлаётган тадбиркорлар ҳуқуқларини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш учун қўшма суғурта компанияси ташкил этиш, транспорт коммуникацияси масаласини ҳал этиш зарурлигини уқтирди.

Мулоқот жуда самарали бўлгани ва Ҳиндистон ишбилармонларининг мамлакатимизга қизиқиши ортганини шундан ҳам билиш мумкинки, у белгиланганидан икки карра кўпроқ вақт давом этди.

Ташриф якунларига кўра ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон раҳбари мазкур сафар чоғида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқаларини янги асрда янги босқичга кўтарадиган чинакам ҳуқуқий асосга айланишига ишонч билдирди. Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, хавфсизлик, хусусан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар музокара иштирокчиларининг алоҳида диққат марказида турганини айтди.

Сафар олдидан берган интервьюсида Юртбошимиз таъкидлаган эдики, Ҳиндистонга бориб буюк аждодларимиз бунёд этган обидаларни кўрмай қайтиш мумкин эмас. Ташриф дастуридан Агра шаҳрида Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон томонидан барпо этилган "Тож Маҳал" мажмуининг зиёрати ҳам ўрин олган эди. Шарқ меъморлигининг ноёб анъаналарини мужассам этиб, муҳаббатга қўйилган абадий ёдгорлик сифатида бунёд этилган бу мажмуа бобокалонларимиз даҳосининг улкан ифодасидир. Юртбошимиз аждодларимиз қабрларини зиёрат қилиб, дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналган бу иншоотнинг тарихи, меъморий ечими, ўзига хосликлари билан қизикди.

– Бундай жойларда бўлганда ҳар бир ўзбек, ҳар бир ўзбекистонлик буюк аждодларимизга эҳтиром, жўшқин миллий ғурур туйғусини ҳис этади, уларнинг қудрати ва меросига таҳсин айтади, – деди Ислом Каримов. – Бундай мўъжизавий тарихий бинолар юртимизда ҳам кўп. Уларни яратган халқимиз ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Деҳли-Агра-Тошкент**



**СУРАТДА: ташриф пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида

**Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини янада такомиллаштириш, судьялик лавозимларига етук, билимдон ва пок мутахассисларни тавсия этишда қонунчилик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака Комиссияси тузилсин.

Унинг таркиби ва Низоми тасдиқлансин.

2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Судлар тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган Фармон ва Фармойишлари ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

Комиссиянинг асосий вазифалари судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш, судьяларни лавозимларга тайинлаш масалаларини ҳал этиш чоғида қонунчилик ва ижтимоий адолат кафолатларини, шунингдек, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашдан иборат, деб белгилансин.

3. Ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Ф-1038 сонли Фармойиши ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 4 май.

---

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежларини ташкил этиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини ҳамда Давлат солиқ хизматини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ коллежлари ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ коллежини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг 1- ва 2-бандлари янги ташкил этилаётган Солиқ коллежларига татбиқ этилсин.

3. Солиқ коллежларининг тузилмаси тасдиқлансин.

Давлат солиқ қўмитаси раисига ходимларнинг тасдиқланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида коллеж тузилмасига ўзгартириш киритишга рухсат этилсин.

Солиқ коллежлари профессор-ўқитувчилари ва бошлиқлар таркибига кирувчи ходимлари сони, уларни босқичма-босқич жамлаган ҳолда 40 тадан иборат этиб белгилансин (хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда тузилмага мувофиқ штат жадвалини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

2000 йил 1 сентябрдан бошлаб коллежларда машғулотлар бошланишини таъминласин;

Давлат тест маркази билан биргаликда тест синовлари натижалари бўйича абитуриентларни белгиланган тартибда 2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиш учун белгиланган давлат грантлари доирасида холисона, сифатли танлаб олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2001 йилдан бошлаб Бухоро ва Фарғона шаҳарларидаги Солиқ коллежларининг харажатларига белгиланган тартибда зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

6. 2000 йилда коллежларнинг жорий харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ижтимоий ривожлантириш ва моддий-техника таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (А.Исаев), Давлат солиқ қўмитаси (Б.Хўжаев), Молия вазирлиги (Р.Азимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Ғуломов), Бухоро (С.Хусенов) ва Фарғона (А.Отабоев) вилоятлари ҳокимликлари 2000 йилнинг 1 августигача Бухоро шаҳар, Саноатчилар кўчаси, 7-уйда жойлашган 7-касб-ҳунар коллежи, Фарғона шаҳар, Қиргули туман, Фарғона кўчаси, 122-уйда жойлашган электротехника касб-ҳунар лицейи бинолари қурилиши ва реконструкциясини якунласин ва бу бинолар Давлат солиқ қўмитаси балансига ўтказилсин.

8. Белгилансинки, коллежлар бинолари ва иншоотлари қурилиши, уларни реконструкция қилиш ва тузатиш Бухоро ва Фарғона вилоятларининг 2000 йилга мўлжалланган касб-ҳунар коллежлари қурилиши ва реконструкция қилиниши мақсадли дастурида кўзда тутилган капитал қўйилма лимитлари доирасида амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда солиқ ва божхона идоралари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича олий курслар тузиш ҳақида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 4 май.

---

## ЎЗБЕКИСТОН – ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШ АЪЗОСИ

3 май Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг (ИИК) 2000 йилдаги ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш давомида унинг ижро ҳайъатларига сайловлар ўтказилди. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий қонунчилик бўйича комиссияси аъзолигига тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг номзоди бир овоздан қўллаб-қувватланиб, 2001-2003 йиллар муддатга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш аъзоси этиб сайланди.

Комиссиянинг асосий вазифалари БМТга аъзо давлатлар учун бошқарув тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат. Улар жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят қонунчилиги, ривожланиш, БМТнинг жиноятни олдини олиш дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, турли тадбирларни мувофиқлаштириш, қонунбузарликка қарши кураш миллий ва минтақавий институтларини такомиллаштириш соҳасидаги масалаларини ўз ичига олади.

Комиссия таркибига курраи заминимизнинг барча қитъаларидан 40 давлат аъзодир.

Ўзбекистон Республикасининг ИИК аъзолигига сайланиши ёш давлатимизнинг жиноят, терроризм ва гиёҳванд моддаларни ғайри қонуний оборотига қарши кураш соҳасида эришган натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишининг далилидир.

**«Жаҳон»АА.**

---

*Ўткир тиғ остида*

## ТЕМИР ЙЎЛЛАРДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР

### ёки табиий монополия субъекти қандай қилиб ўзини ўзи жазолагани хусусида

Монополистик ҳаракатларни чегаралашнинг асосий йўналишларидан бири товар бозорларида табиий монополия субъектларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, истеъмолчилар, давлат ва табиий монополия субъектлари манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашдан иборатдир.

Табиий монополия — бу товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Давлатнинг вазифаси ана шундай соҳаларда монополистик фаолиятнинг олдини олиш, доимий равишда уларнинг фаолиятини тартибга солишдир. Ушбу соҳаларда рақобатнинг йўқлиги табиий монополия субъектларига тегишли бозорларда ўз мавқеларини суиистеъмол қилишларига имкон беради. Шу боис давлат уларнинг фаолиятини тартибга солиш орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунлари ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бироқ, афсуски, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси тизимида бу қонунларнинг талаблари бузилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси мутахассислари ўтказган текширувларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор қонунбузарликлар аниқланди.

«Темир йўлларда йўловчилар ва юкларни ташиш тўғрисида Тартиб»нинг 198-бандида «Йўл чипталарини фақат олдиндан сотиш кассаларидан комиссион тўловлар олинади», дейилган. Шунга қарамасдан, кечаю кундуз ишлайдиган темир йўл кассаларида ана шу тартиб-қоидаларга зид равишда 1999 йилнинг 1 январидан 22 декабригача асоссиз равишда 22,1 миллион сўмдан зиёд даромад олинганига нима дейсиз?

Табиий монополия субъекти бу билан чекланиб қолмади, у ғазнани янада тўлдиришнинг бошқа йўлларини қидира бошлади ва... бунга эришди ҳам. Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, йўловчиларни кузатувчи фуқароларга шоҳбекат (вокзал) перронларида ҳеч бир тўловларсиз юриш ҳуқуқи берилган. Лекин Тошкент марказий йўловчилар станциясида мазкур қонунга зид равишда кузатувчилар ва кутиб олувчиларнинг ҳамёнидан перронга чиқишлари учун 25 сўмдан «шилиб» олинган. Натижада шу йўл билан ўтган йили 1,6 миллион сўмдан зиёд ноқонуний даромад компания кассасига туширилган.

**(Давоми 2-бетда).**

---

## АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА

АҚШ Давлат департаменти дунёдаги энг хавфли террорчилик ташкилотларининг рўйхатини эълон қилди. Мазкур рўйхатдан ўзини "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб атовчи ташкилот ҳам жой олган. Департамент уни ислом жангарилари коалицияси, деб изоҳлаган. Бу ташкилотнинг мақсади Ўзбекистондаги конституциявий тузумни ағдариб, "ислом давлати" қуришдир. Рейтер агентлиги маълумотларига кўра, "аксилғарб" кайфиятидаги мазкур ҳаракатнинг минглаб жангариси бор. 1999-2000 йилларда уларнинг кўпчилиги Афғонистонда қишлаган. Айримлари эса Тожикистон ҳудудида қолган, деган тахмин ҳам мавжуд. АҚШ Давлат департаментининг ҳисоботида ўтган йили Тошкентда юз берган портлашларга, шунингдек, Қирғизистон жанубида бегуноҳ одамларнинг икки бор гаровга олинишига, жумладан, тўрт нафар япониялик ва саккиз нафар Қирғизистон фуқаросининг икки ярим ой мобайнида ушлаб турилишига "Ўзбекистон ислом ҳаракати" жавобгар эканлиги таъкидланади.

**(ЎзА).**

## БАЙРУТДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Наманган шу пайтгача гуллар ва янги қурилишлар шаҳри сифатида машҳур эди. Энди бу шаҳарни шахмат шаҳри деса ҳам бўлади. Сабаби – наманганликлар жамоаси Ливан пойтахти Байрутда шаҳарлар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича Осиё чемпионатининг совриндори бўлди.

Анъанавий шахмат турнирида 20 дан ортиқ Осиё давлати жамоалари иштирок этди. Наманганлик шахматчилар нуфузли иккинчи ўринни эгаллаб, чемпионатнинг кумуш медаллари соҳиби бўлди.

Наманганликларнинг эришган ютуғи – шаҳарда шахматнинг ривожланиши ва оммавийлашувига катта эътибор қаратилаётганининг натижасидир. Бу ерда нафақат меҳнат жамоаларида, ўқув масканларида, балки турар жойлар ва маҳаллаларда ҳам доимий шахмат турнирларини ўтказиш анъанага айланган. Наманганда очилган "Шоҳруҳ" шахмат клуби вилоятнинг барча туман шахматчиларини бирлаштирадиган ўзига хос марказ бўлиб қолган. Бу клубнинг очилиши билан Наманганда халқаро тоифадаги йирик шахмат турнирларини ўтказиш имкони туғилди.

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МАЙДОН АҲОРАТ АТОНАТ

**1 май куни Лондон шаҳрида «80 кун давомида дунё бўйлаб» номли ажойиб халқаро автопойга бошланди. Кўзланган маршрутнинг маълум бир қисми Ўзбекистон ҳудудидан ўтади.**

# 80 КУН ДАВОМИДА ДУНЁ БЎЙЛАБ

24 та давлатдан келган автоҳаваскорлар 100 автомашиналарда дунё бўйлаб саёҳатга йўл олдилар. Автопойганинг диққатга сазовор томони шундаки, иштирок этаётган автомобиллар жаҳон автомобилсозлиги тарихини намойиш этувчи классик моделлардан иборат. Энг қадимги модел – «Локомобил-48» 1912 йилда, янгироғи эса 1972 йилда ишлаб чиқарилган.

Пойга иштирокчилари Англия пойтахтидаги машҳур «Тауэр» кўпригидан старт олиб, Европа қитъаси томон йўл олдилар. Автомобиллар Дувр порт-шаҳридан Ла-Манш бўғози орқали паромларда Францияга олиб ўтилади. У ердан маршрут Италия, Греция, Туркия ҳудуди бўйлаб давом этади. Истамбул шаҳрида автопойганинг биринчи босқичи тугайди.

Сўнгра «Лондон-Пекин» иккинчи босқичи бошланади. У Грузия, Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Хитой ҳудудидан ўтади. Пекиндан тақрибан 40 та автомобил юк ташувчи самолётларда Аляскага ўтказилиб, Шимолий Америка маршрути бўйича Нью-Йорк шаҳригача саёҳатни давом эттирадилар. Нью-Йоркдан эса пойга иштирокчилари самолётларда Африка қитъасидаги Маррокуш шаҳрига етказилади. Марафоннинг якуний босқичи Марокаш, Испания ва Францияда ўтказилади. Энг эпчил автоҳаваскорлар дунё бўйлаб саёҳатни 18 июл куни Лондон шаҳрида якунлашлари керак. Ғолиблар ўша ерда кумуш кубок билан тақдирланадилар.

Автопойга иштирокчилари 19 майда Ўзбекистонга етиб келадилар ва Самарқандда шаҳар билан танишиб, дам оладилар. 22 май куни эса Тошкентдан Бишкекка йўл оладилар.

Классик пойга уюшмаси раиси, «80 кун давомида дунё бўйлаб» тадбирининг бош менежери Филипп Янг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига қуйидагиларни маълум қилди: Автопойга маршрути ўтадиган муҳим давлатлардан бири Ўзбекистондир. Биз юртингизни зиёрат қилиш имкониятидан мамнунмиз, чунки кўпгина пойга иштирокчилари бундай имкониятларга эга бўлмаган эди. Ўзбекистон – буюк ва бағри кенг мамлакат.

**Ж. МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА, Лондон.**

## ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА СПОРТ БАЙРАМИ

7 май куни Тошкент Отчопарида «Соғлом авлод йили» ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб оммавий ва миллий спорт турлари бўйича беллашувлар ўтказилади.

— Тошкент Отчопарида спорт мусобақалари ўтказиш, уларни халқ ўйинлари билан бойитиш, баҳсларнинг қизғин ва муросасиз кечишини таъминлаш мақсадида «Республика миллий спорт турлари маркази» ўз хайрли фаолиятини бошлади. Бўлажак спорт байрами куни иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари бўлган спорт фахрийлари байрам дастурхони атрофига йиғилишади.

Мусобақалар Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика миллий спорт турлари маркази, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан ўтказилмоқда. Бу беллашувлар Отчопардаги пойга мавсуми бошланишига уланиб, аксарият баҳслар тулпорлар иштирокида кечади. Мусобақалар дастуридан «Қиз қувмоқ» халқ ўйини, раққос отларнинг кўргазмали чиқиши, тўсиқлардан сакраш, чопқир тулпорлар пойгаси ва улоқ беллашувлари ўрин олган. «Ватанпавар» ташкилоти автомобилчилари билан чавандозлар ўртасидаги пойга мусобақаси, мотопойга, авиамодел ҳамда ракетамоделчиларнинг кўргазмали чиқишлари томошабинларга хуш кайфият бахш этади.

**«Туркистон-пресс»**

## ИККИНЧИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мини футбол ривожига ҳам катта эътибор қаратилаётир. Шунинг учун бўлса керак, кўплаб истеъдодлар етишиб чиқаяпти. Вакилларимиз халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаётир. Бу борада, айниқса, Андижоннинг "Турон-Солиқчи" жамоасини тилга олиш жоиз. Андижонликлар ўтган йили мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритишди. Шунингдек, терма жамоамиз асосини ҳам айнан "Турон-Солиқчи" футболчилари ташкил этади.

Мини футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоаси куни кеча иккинчи Осиё чемпионатида иштирок этиш учун Бангкокка жўнаб кетишди. Чарм тўп усталаримиз дастлаб гуруҳ мусобақаларида Эрон, Япония, Макао ва қирғизистонлик мини футболчиларга қарши майдонга тушади. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар кейинги босқичга чиқадилар.

Ушбу қитъа биринчилиги навбатдаги жаҳон чемпионатига саралаш турнир вазифасини ҳам ўтайди. Дастлабки учта совринли ўринларни қўлга киритган терма жамоалар жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилишади. Вакилларимизга омад тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**



*Дусту қадрдон отахонлар...*
**Т. ҲАМРОҚУЛОВ** сурат-лавҳаси.

## ШУЪЛА СОЧУВЧИ ГИЁҲ

*Наботот мўъжизалари*

Инсон ҳаётини наботот оламисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одамни тўйдириб, кийинтирадиган ҳам, бошпана бериб, завқ улашадиган ҳам, қолаверса, дардига малҳам бўладиган ҳам ўсимликлар дунёсидир. Улар орасида шундай ажойиб хислатли намуналари борки, уларнинг мўъжизакор кучини ҳар қанча таърифласак ҳам оз.

Меҳригиёҳ ана шундай ўсимликлардан. Шарқ халқлари орасида женшен қанчалик эъзозланса, Ғарб мамлакатларида меҳригиёҳ шунчалик бебаҳо саналади.

Меҳригиёҳ илмий тилда «мандрагора» деб аталиб, итузумдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт туркумига киради. Барглари йирик, тухумсимон, яхлит, бўйи бир қулоч атрофида. Гуллари заъфарон-яшил, зангори ёхуд нуқрасимон бўлиши мумкин. Меваси эса тўқ сариқ тусли кунгурали – юмалоқ, йирик бўлади. Умуман, ер юзида меҳригиёҳнинг бир неча турлари қайд этилган бўлса-да, Ўрта Осиёда уларнинг фақат биргина тури учрайди. Шуниси ажабланарлики, ўсимликнинг икки метрча чуқурликка борадиган илдиз қисми гўё яланғоч одам қиёфасини эслатади. Шу боис меҳригиёҳ ҳақида турли хил ғаройиб афсона ва ривоятлар яратилган. Яъни, уни истеъмол қилган киши мангу навқирон бўлса, меҳригиёҳ шарбати кўнгилда муҳаббат уйғотармиш...

Ўз даврида буюк олим Пифагор меҳригиёҳни одамсимон ўсимлик дея таърифлаган бўлса, румлик ёзувчи ва соҳибкор Колумелла унга «ярим одам ўти» деган нисбат берган. Баъзи кишилар эса ана шундай илдизларни ташқи кўринишига қараб эркак ёки аёл жинсига ажратишган.

Қадимда Арабистонда меҳригиёҳни «ябрух», яъни одамгиёҳ деб ҳам аташган. Маҳаллий аҳоли гўёки меҳригиёҳ тунда ўзидан ёруғлик таратади, деб ишонишган. Шунинг учун уни баъзан «алвасти шамчаси» ёхуд «жодугар гули» деб ҳам атаганлар. Сеҳргарлар эса меҳригиёҳ ёрдамида одамни ақли ва ҳуснидан жудо қилади, деган фикрлар ҳам мавжуд. Кўҳна нақлларга қараганда, бу ноёб ўсимлик одамларга хазина ва бойлик топишда ҳам ёрдам бераркан. Бундан уч ярим минг йиллар муқаддам ёзилган Эберс папирусида ҳам меҳригиёҳнинг хосиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳам меҳригиёҳнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. Жумладан, жарроҳлик амалига муҳтож бўлган беморга унинг шарбати ичирилса, оғриқни сезмайди. Ўсимлик барглари қонталашган, силқиган жойларга суртилса, ҳеч бир асорат қолдирмай тузатади. Агар меҳригиёҳ мусалласга қўшиб истеъмол қилинса, бедор кишиларга уйқу бағишлайди. Унинг асал ёки зайтун мойи билан аралашмаси газандалар чаққан жойга қўйиладиган бўлса, кишига зидди заҳар сифатида ёрдам беради.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

*Бўш вақт*

## ДАРСДАН СЎНГ – ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА

Қизилтепа туманидаги 36-мактаб-интернат тарбиячилари Соғлом авлод йилида болаларнинг бўш вақти мароқли ва мазмунли ўтишига ёрдамлашиш мақсадида «қўғирчоқ театри» ташкил этишди. Ш. Расулов, Г. Тилавова, О. Носирова, М. Аҳтамова сингари тарбиячилар юқори синф ўқувчилари ҳамкорлигида ўзбек миллий эртаклари қаҳрамонлари сиймосини қўғирчоқлар ёрдамида акс эттирмоқдалар.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ**
**Навоий вилояти.**

ABN·AMRO Bank

Best Bank in Uzbekistan

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда

Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс 120-63-67.*

2777

*Жиноят ва жазо*

# БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА

Дастурхонга суюқ ва қуюқ таомлар тортилиб, суҳбат қизиди. Тасодифан танишган меҳмон ва мезбон апоқ-чапоқ. Мавзу қайта-қайта Ферузнинг Тошкент юридик институтига кира олмаганлигига келиб тақалади.

— Бу ишлар мен учун чўт эмас, — дея секин шипшийди ўзини Тошкент телевидениеси мухбири, деб таништирган Расулжон. — Танишбилишлар сероб. Фақат хизмат ҳаққи дурустгина бўлса бас.

— Қандай қилиб, ахир йил охирлаяпти-ку, тест синовлари ёзда ўтган бўлса...

— Ҳаммасини йўли бор, — гапни яна илиб кетади Расулжон. — Сиртқига тўғирлаймиз, окоси.

Бу тасодифий танишувдан уларнинг иккаласи ҳам мамнун эди. Бири осонгина ўқишга жойлашиб олишни ўйласа, иккинчиси мўмайгина даромад ҳақида ўй суради.

Ўша куни Расулжон Самарқанддан терисига сиғмай қайтди.

— Ўзиям бориб турган лақма экан, — ўйларди у. — Ҳамма гапларимга ишонди-я. Зиёфатнинг қуюқлиги-чи?, ҳадемай даста-даста пуллар билан ортимдан Тошкентга югуради.

Расулжон ўйлаганидек бўлди ҳам. Феруз акаси Искандар билан Тошкентга, келишилган жойга етиб келди. "Мухбир" унинг юридик институтига кира олмаслик сабабларини аниқлашга ваъда бериб, хизмати эвазига 5 минг сўм талаб қилди. Кейин эса бу ишни бир кунда амалга ошириш имконияти йўқлигини айтиб ака-укаларни кузатиш чоғида Ферузданяна 10 минг сўм олди.

Шу тариқа "ишлар" тезлашиб кетди. Орадан кўп ўтмай, 2000 йилнинг 2 январида Расулжон Ферузни отаси Илҳом Ғуломов билан Тошкентда учратади. Шу куни у қаерларгадир кириб чиқиб, ўзининг таъбири билан айтганда "иш"ни ниҳоясига етказади. Ферузнинг Тошкент юридик институтига сиртқи бўлимига қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ унинг қўлида эди.

— Мана, ҳаммаси жойида, — деди кўзлари чақнаб. — Мен ваъдамнинг устидан чиқдим. Энди сиз бугун борича ташлаб кетаверинг, қолганига ўзим бораман.

Шундай деб у ота-боладан яна 10 минг сўм олиб қолди. Эртаси куни эса Расулжон Самарқандда, Амир Темур кўчасидаги Феруз ишлайдиган ошхонада пайдо бўлди. Ва Феруздан 5 минг сўм пул олди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас "мухбир" яна Самарқандга келди. Бу гал у тўғридан-тўғри Илҳом Ғуломов уйига бориб, яна 40 минг сўм беришлари кераклигини айтди.

Фирибгарликни ўзига касб қилиб олган Расулжон Абдураҳмонов аслида ҳеч қаерда ишламасди. У Ўш шаҳрида туғилган, Қирғизистон фуқароси, ўрта-махсус маълумотли. Унинг Феруз Ғуломовга ҳуқуқшунослик олийгоҳидан "олиб берган" буйруғи шубҳа уйғота бошлаган эди.

Лекин "сохта мухбир" Самарқанддаги "фаолияти"ни қалбаки буйруқ билангина тўхтатиб қолмади. Унинг домига яна бир содда илашди. Яна ўша таниш Амир Темур кўчаси. Бу ердаги "Тим" қаҳвахонаси ёнида Ўрол Эшбобоев билан танишиб, унинг муаммоларини сўради. Ўзини эса Тошкент телевидениеси 30-канали мухбири экани, ҳозир СТВ ижодий уюшмасини текшириш учун хизмат сафарига келган қилиб кўрсатади. Қарангки, Ўрол Эшбобоевга ҳам қўлидан иш келадиган ана шундай "мухбир" зарур экан. У эринмасдан дардларини тўкиб солди.

— Бўлди, — деди Расулжон унинг хорижга ишга бориш ниятини англагач. — Мен Сизни Уругвайга жўнатаман. Фақат...

— Тушундим, — деди Ўрол Эшбобоев. — Тортинмасдан хизмат ҳақини айтаверинг.

— Виза қоғозини тўғрилаш учун 27 минг сўм керак. Ҳозирча 2 минг сўм берасиз. Қолгани иш битгандан кейин.

Қисқа вақтда Уругвайга йўл очадиган "виза қоғози" ҳам тайёр бўлди. Сохта виза 25 минг сўм эвазига Ўрол Эшбобоевга тутқазилиб, "30 канал"нинг сохта мухбири воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Аммо бузоқнинг қочгани сомонхонагача, деганларидек у узоққа кетолмади. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли фирибгар қўлга олинди.

Яқинда Расулжон Абдураҳмоновнинг жиноий ҳаракатлари одил судда кўрилиб, қилмишига яраша жазосини олди. У етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ғуломовлар фойдасига 70 минг, Эшбобоевга эса 27 минг сўм фирибгар чўнтагидан ундириладиган бўлди.

**Қамариддин ТЎХТАНИЁЗОВ,**
**Боғишамол туман суди судяси.**
**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 132-11-15;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 376, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.10*
1 2 3 4 5 6